O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI


# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2003 йил 4 март, №51 (3163) Сешанба






# ФЕРМЕРЛИК РИВОЖИ — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Хабар қилинганидек, 28 февраль куни Оқсаройда қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва жадаллаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

***Уни Президент Ислом Каримов бошқарди.***

Давлатимиз раҳбари яқинда Вазирлар Маҳкамасида 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисда ушбу масалани атрофлича таҳлил қилди, соҳада мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсия ва хулосалар берди, вазифалар қўйди.

Бу хулосалар, ўз навбатида, аграр соҳада бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқишни кўзда тутувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тақозо этади, деди Ислом Каримов Оқсаройдаги йиғилишни очар экан.

Йиғилишда ана шундай мақсадларга қаратилган ҳужжат — Президент Фармонининг лойиҳаси кўриб чиқилди.

Юртбошимиз тайёрланаётган Фармон лойиҳасида биринчи навбатда қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳали-ҳамон мамлакатимиз иқтисодиётида жорий этилаётган ислоҳотларга, бугунги ҳаёт тақозо этаётган ўзгариш ва талабларга амал қилиш йўлида энг оғир, консерватив соҳа бўлиб қолаётганлигининг туб сабаблари ўз ифодасини топиши зарурлигини айтди.

Бундай сабаблардан бири — собиқ жамоа хўжаликлари ширкат хўжаликларига айлантирилгани, яъни шаклан ўзгартирилгани ҳолда, моҳияти, маъно-мазмуни ҳали ҳам эскичалигича қолаётганлигига бориб тақалади. Бу эса ширкат хўжаликларида пайчилик асосида қурилган том маънода янги бошқарув шакли қарор топишини, ерга мутлақо янгича муносабатлар жорий этилишини талаб этади.

Мамлакатимизда бозор хусусиятларига эга барча мулк турларини сўзсиз рағбатлантириш баробарида, келгусида ижара мулки тамойилларига асосланган хўжаликлар ривожига кўпроқ аҳамият бериш мақсадга мувофиқдир. Бугуннинг талаби деҳқон ва фермерларга том маънодаги эркинлик бериш, уларнинг фаолиятида бозор ислоҳотларига хос соғлом рақобатни шакллантириш, мулкка эгалик ҳиссини мустаҳкамлаш, қишлоқдаги товар ишлаб чиқарувчиларни хўжалик юритишнинг замонавий услубларига ўргатишдан иборат.

Ўзбекистон ўз тараққиётини фермерлик ривожида кўради ва бу борада дунёнинг илғор мамлакатлари эришган ютуқларга таянади, деди Президентимиз. Фермер хўжаликлари сони ва кўламини ҳудудлардаги шарт-шароит, ҳар бир вилоятда мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш шарт. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Мисол учун, ер майдони кам, аҳолиси эса зич жойлашган Андижон вилояти билан ҳудуди кенг, аҳолиси нисбатан камроқ Қорақалпоғистон Республикасининг фермер хўжаликларини ривожлантириш имкониятлари, табиийки, бири-биридан фарқ қилади.

Ўз навбатида, бу жараён кишиларимизнинг катта қисмини қишлоқ хўжалигидан озод этиб, бошқа тармоқлар, жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасига кенг жалб этишга туртки бериши даркор. Барча жабҳаларда дунё андозаларига мослашяпмизми, демак, ривожланган мамлакатларда атиги 7-8 фоиз киши аграр соҳа билан машғул эканини ҳам ҳисобга олайлик, деди Ислом Каримов. Қачонгача аҳолининг 60 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб қолаверади?

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг вазифалари ва масъулияти, ўзларига хизмат кўрсатувчи, техника ва ёнилғи, транспорт ва уруғлик, маблағ, кредит каби керакли ресурслар билан таъминлайдиган ташкилотлар, қайта ишловчи корхоналар билан муносабатлари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан янада аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Фермерлар билан бундай корхона ва ташкилотлар ўртасида учинчи томон, яъни ширкат хўжалиги иштирокисиз, мустақил равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш амалиётини қўллаш пайти аллақачон келган.

Мамлакатимиз раҳбари қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг асосий тамойилларини аниқ белгилаб олиш ва тартибга солиш, бу тизимни ислоҳ қилишнинг ташкилий масалаларига ҳам батафсил тўхталди.

Қишлоқ хўжалигида ва умуман, иқтисодиётимизда ислоҳотнинг оқсаётгани, чала-ярим амалга оширилаётганига аксарият ҳолларда жойларда буйруқбозлик, расмиятчилик, боқимандалик, тадбиркорлар ва фермерларнинг фаолиятига асоссиз аралашиш каби иллатларнинг ҳали-ҳамон давом этаётгани сабаб бўлмоқда.

Президентнинг уқтиришича, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ этишга қаратилган мазкур ҳужжат — Фармонда "тақиқлансин", "жиддий назоратга олсин" қабилидаги эски тартибга хос чеклашларга ўрин бўлмаслиги даркор. Аксинча, ишлаб чиқарувчига кўпроқ эркинлик бериш, унинг қўл-оёғини боғлаб, мустақил фаолиятига ғов бўлиб турган барча муаммоларни бартараф этиш бу борада муваффақиятни таъминлайдиган бош омиллардандир.

Бошқарувни соддалаштириш, юқоридан туриб ўринсиз кўрсатма ва буйруқлар беришга чек қўйиш мақсадида ҳозирданоқ вазирлик, вилоят, туман даражасидаги раҳбарлар ва мутасаддилар қандай масалалар учун масъул экани аниқ белгилаб қўйилиши керак.

Хусусан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги энди тақсимловчилик ваколатларидан тўла воз кечиши зарур. Албатта, бу кўпроқ агротехника тадбирлари билан боғлиқ вазифаларга тааллуқли ва сув тақсимоти бундан мустасно.

Вазирликнинг асосий вазифаси, биринчидан, соҳани оқилона мувофиқлаштириш ва бутун эътиборни қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратишдан иборат бўлиши керак.

Иккинчидан, вазирлик соҳа бўйича йирик мутахассислардан ташкил топадиган кенгашлар ишини йўлга қўйиши зарур. Бу кенгашлар қачон, қаерга, нима экиш, қандай шудгор қилиб, қанча суғориш кераклиги билан боғлиқ масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Бундай янгиланишлар қуйи бошқарув бўғинларининг ишига тепадан туриб ноқонуний аралашувларга чек қўйишга хизмат қилади.

Жойларда ширкат хўжаликлари раҳбарларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш масаласида вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ўзларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан айрим ўзбошимчаликларга йўл қўяётгани ғоят ачинарлидир. Бу кейинги йилларда жойларда ҳокимлар томонидан хўжалик раҳбарларини бўлар-бўлмасга ишдан бўшатиш ялпи тус олгани ва уларни қисқа давр мобайнида бир неча бор алмаштиришда, айниқса, намоён бўлмоқда.

Деҳқончиликдан, пахта, ғалла, бошқа экинларни парваришлаш, зироатчилик тажрибасидан пухта хабардор кишилар — хўжаликлар раҳбарларини, Ислом Каримов ибораси билан айтганда, бу борадаги олтин фондимиз, таянган тоғимиз бўлган мутахассисларни асоссиз равишда ишдан четлаштиришга олиб келаётган бундай ножўя тартиб тубдан қайта кўриб чиқилиши жоиз.

Хусусан, ширкат хўжалиги раиси лавозимига номзодни ҳоким тавсия этиши ва ширкат жамоаси уни сайлаши лозим. Раиснинг лавозимидан озод этилиши ҳам ҳокимнинг телефон орқали буйруғи билан эмас, балки ширкат жамоаси овози асосида ҳал бўлади. Ҳоким хўжалик раисини сайлаш чоғида жамоага уни қандай тавсия этса, уни ишдан олиш учун ширкат аъзоларига раиснинг хато-камчиликлари ҳақида ҳам ахборот берсин, бошқача айтганда, жамоа олдидан ўтсин.

Яна бир масала. Соҳада меъёрий-ҳуқуқий қоидалар асосида бошқариш тўла амал қилишини таъминлаш учун истиқболда ислоҳотларни янада жадаллаштиришда амалдаги қонунчилик ҳужжатларини, норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, хусусан, шартномалар тузиш тартибини танқидий кўриб чиқиш, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг янги концепция ва низомларини яратиш жиддий аҳамиятга эга.

Биргина шартномалар тизимининг ўзи шартномалар тузилиши ва субъектлар — қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилишини назорат қилиб борувчи аниқ механизм барпо этилишини тақозо этади. Шунингдек, бу мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга тезкор ва жиддий ўзгартиришлар киритиш ўринлидир.

Йиллар ўтиб, ҳокимлар, турли даражадаги раҳбарлар қишлоқ хўжалигига бутунлай аралашмайди. Деҳқон, фермер ўз ишини билиб, ҳалоллаб бажараверади. Ерни қанча чуқурликда шудгорлаш, қачон ва неча марта суғориш, нимани қаерда экиш юзасидан юқоридан кўрсатма беришнинг ҳожати қолмайди. Мен қишлоқ хўжалигининг келажагини ана шундай тасаввур қиламан, деди Юртбошимиз.

Хулоса қилиб айтганда, ўтган даврда асосий эътибор бозор иқтисодиёти ислоҳотларини ижтимоий йўналтирилган ҳолда жорий этишга қаратилди. Яъни янгиланишлар суръатларини белгилашда халқимизни асраб-авайлаш, аяш, фуқароларимизни бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари ва талабларига аста-секин кўниктириб бориш йўли танланди. Бунинг натижаси ўлароқ, эндиликда фуқароларимиз ҳақиқий бозор талабларига мослашди, янгича шарт-шароитларга тайёр бўлди.

Шундай экан, бугун барча соҳалар сингари қишлоқ хўжалиги тармоғида ҳам соғлом рақобат асосида ишлаш ва яшаш учун белни маҳкам боғлаш ҳамда ислоҳотларни янада жадал ва теран жорий этишга киришиш фурсати етди. Мамлакатимиз раҳбари маромига етказиш юзасидан бир қатор амалий тавсиялар берган муҳим ҳужжат — Президент Фармони кучга киргач, бу борадаги ишлар янада жонланиши шубҳасиз.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА шарҳловчиси.**
**СУРАТЛАРДА:**
**мажлис пайти.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ**
**олган суратлар.**

---

*3 март куни Тошкентда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов иштирокида икки мамлакат ҳукуматлари делегацияларининг музокаралари бўлиб ўтди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш, транспорт алоқасини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.*

## ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

Икки мамлакат яқин қўшни сифатида қалин алоқаларни йўлга қўйган. Ҳукумат вакилларининг ўзаро учрашувлар уюштириб, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларни биргаликда ҳал этиши, доимий равишда ахборот алмашиб туриши ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришда муҳим аҳамиятга эга, албатта. Бундай мулоқотлар Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг учрашувларида эришилган стратегик келишувларни ҳаётга жорий этишнинг амалий механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга хизмат қилади. Учрашув қатнашчилари бу анъанани давом эттириш икки томон учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида сув-энергетика соҳасидаги алмашувлар ҳамда иқтисодий ҳамкорликка доир ҳукуматлараро битимларга имзо чекилди.

— Мулоқотлар давомида икки томонлама иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ кўплаб масалалар муҳокама қилинди, — деди Тожикистон Бош вазири журналистларга берган интервьюсида. — Келишувларимиз натижаси ўлароқ имзоланган ҳужжатлар ҳамкорлигимиз самарасини янада оширади, деган умиддамиз. Албатта, икки томонлама интеграцияни кучайтириш учун ҳали амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп. Жумладан, ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита алоқаларини жонлантиришимиз керак. Келгуси мулоқотлар чоғида шу жиҳатга ҳам янада жиддийроқ эътибор қаратиш лозим бўлади.

**(ЎзА).**

---

# МИЛЛАТНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ

## истиқболга хизмат қилади

*Ўтган йили февраль ойида Президентимиз Ислом Каримов томонидан имзоланган «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қарори мамлакатимизда илмий-техникавий фаолиятни ташкил этишни юксак замонавий талаблар даражасига кўтаришда катта аҳамият касб этади. Илмий жамоатчилик, олимларимизнинг Фармоннинг нақадар долзарблиги, айни вақтида эълон қилинганлиги ҳақидаги қатор мақолалари чоп қилинди. Ана шу меъёрий ҳужжатлар ижросидан келиб чиқиб ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича олиб бориладиган тадқиқотлар йўналишларида қандай янгиликлар содир бўлди?*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Илмий-техник тараққиётни Мувофиқлаштириш Кенгаши «Жамиятни тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш асосида маънавий ва ахлоқий янгилаш» шўъбаси раиси, педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон ҚУРОНОВ билан мухбиримизнинг суҳбати шу ҳақда бўлди.*

— Дунёда илм ва олимнинг миллат, инсоният тараққиётидаги аҳамияти оймаой, йилма-йил ошиб бормоқда, — дейди М.Қуронов. — Қайси бир миллатда юқори малакали, фидойи, миллатпарвар олимлар кўп бўлса, давлат, миллат, ҳар бир фуқаро уларни қўллаб-қувватласа, иззатласа, ўша миллат юксалаяпти. Уларнинг ақлидан яралган ижтимоий технологиялар жорий қилиниб, ИНСОН омилининг ижтимоий-маънавий юксалиши натижасида фаровон бўла боряпти.

Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари жамиятни эркинлаштириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тадқиқ этишни изчил давом эттириб, ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи масалалари, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш жараёнида узлуксиз таълим-тарбия тизимини ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этиш орқали миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини таъминлашни янги босқичга кўтаришга, миллат тафаккурини ислоҳ қилишга хизмат қилишга **йўналтирилди.** Зеро, ўтиш даврида жамият тафаккурини тўғри шакллантириш, йўналтириш, сафарбар қилиш қанчалик муҳимлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Фан мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидан, халқимиз тафаккуридаги ўзгаришлар суръатидан ортда қолмаслиги, баравар ҳам юрмаслиги, балки олдинда юриши керак. Мазкур Қарор нафақат йирик илмий-ташкилий воқеа, балки ижтимоий-гуманитар фанларни ижтимоий соҳани ривожлантириш стратегияси билан боғлаган ҳолда белгилашнинг муҳим босқичи, янгиликларидан бири бўлди, десак арзийди.

**— Эскича ёндашувларнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин эди?**

— Маълумки, илгари фаннинг «режалаштирилганлиги», илмий кашфиёт билан унинг истеъмолчиси орасида замонавий бозор муносабатлари талаб этаётган ўзаро манфаатдорлик механизмлари йўқлиги, айрим институтларнинг жамиятга фойда келтираётгани учун эмас, «ишлаётгани» учун базавий молиялаштириб келинганлиги, кашфиёт бору, уни ҳаётга

(Давоми 2-бетда).

---

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг Жамоатчилик институтлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қаратилган тадбирлар, жумладан, оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий асослари бўйича концепцияда кўзда тутилган масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзаро фикр алмашди.

**(ЎзА).**

---

# Судьяликка — тест орқали

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича бир неча йиллар мобайнида тестлар жамғармасини яратиб келмоқда. Жамғармадаги тест саволлари Тошкент давлат юридик институти, ИИВ Академияси, Тошкент давлат педагогика университети каби олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари томонидан тузилган ва таҳлил қилинган.

Ушбу тестлар жамғармасидан Давлат тест маркази нострификация бўлимида ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича республикамиз ташқарисида диплом олганларнинг ўз дипломларини Ўзбекистон Республикаси учун яроқли эканлигини аниқлашда ҳам фойдаланилмоқда.

Ана шундай кенг қамровли апробациядан сўнг судьялик лавозимига захирадаги номзодлар ҳам тест синовидан ўтказилдилар. Номзодлар учун тестлар жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ходимларининг ҳамкорлиги билан янада такомиллаштирилди.

Ўтган шанба куни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, барча вилоятлардаги судьялик лавозимига заҳирадаги номзодлар тест синовидан ўтказилди.

**Ҳ. ТЎЙЧИЕВА,**
**Давлат тест маркази ходими.**

---

«Халқ сўзи» назоратида

# ҲОКИМ ЎЗ ҚАРОРИНИ БЕКОР ҚИЛДИ


«КЕЛАЖАК МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ»

***"Уч йил аввал мактабимиз биносига, шаҳар ҳокимлигининг топшириғи билан, битта поликлиника жойлаштирилган эди. Бу ҳам етмагандай, ўтган йили 7 ноябрь куни яна бир ҳужжат қабул қилиниб, унга асосан иккинчи поликлиника ҳам мактабимизга киритилди. Ота-оналар, мактаб маъмуриятининг фикрини бу ерда ҳеч ким инобатга олмаяпти. Натижада биз болаларни кабинет тизимида ўқитишдан маҳрум бўлдик. Мактабда ўқиш уч сменада ташкил этилган".***

Қўқон шаҳридаги 31-мактаб директори Раҳима Йўлчиева газетамиз ташаббуси билан уюштирилган бевосита мулоқот чоғи республика халқ таълими вазири Р.Жўраевга ана шундай муаммо хусусида мурожаат қилганди. Вазир бундай хатти-ҳаракат қонунга зидлигини таъкидлаган, бу ҳақда вилоят раҳбарларига хат орқали мурожаат қилиб, масала қандай ечим топишини назоратга олишга сўз берганди. Бу газетамизнинг шу йилги 31 январь сонида чоп этилган "Келажак мактабдан бошланади" сарлавҳали ҳисоботномада ҳам ўз ифодасини топганди. Шу муносабат билан яқинда Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари Г.МАЪРУФОВАдан расмий жавоб олдик. Унда шундай дейилади:

**"Газетада ёритилган масала вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Қўқондаги 31-мактаб биноси 1988 йили қурилган бўлиб, 920 ўқувчи ўрнига мўлжалланган. Ҳозир унда 850 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олмоқда. Маҳаллий шароитда ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш мақсадида, шаҳар ҳокимининг 1999 йил 24 сентябрдаги қарорига мувофиқ, мактабнинг бир қисмига 5-катталар поликлиникаси жойлаштирилган. Шунингдек, "Озод" ҳиссадорлик жамиятига қарашли болалар боғчаси хусусийлаштирилганидан сўнг 2-болалар поликлиникаси ҳам вақтинча ушбу илм масканига кўчирилган. Шаҳар ҳокими 2002 йил 17 декабрда бу ҳақда 528-сонли қарор қабул қилган.**

**Вилоят ҳокимининг топшириғига кўра, юқорида тилга олинган қарор шаҳар ҳокимининг 2003 йил 3 февралдаги қарори билан бекор қилинди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими зиммасига 5-катталар поликлиникасини ўқув даргоҳидан бошқа жойга кўчириб, алоҳида бино билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Ҳозирга келиб ушбу топшириқ адо этилди.**

**Эндиликда мактаб ўқувчилари ўқишни бир сменада давом эттиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда".**

---

# Ахборот

Мансабдор шахслар томонидан содир қилинаётган суиистеъмолчиликлар ва порахўрлик жиноятларига қарши кураш давомида қўлга олинган давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари мансабдор шахслари суд ҳукми билан тегишли жазоларга тортилмоқдалар. «Сурхондарёнефтмаҳсулотлари» унитар корхонаси бошлиғи Р.Бегалиев «Жарқўрғоннефтмаҳсулотлари» корхонаси бош оператори Ю.Фармоновдан, уни ишдан бўшатмаслик эвазига 1.500 АҚШ долларини пора тариқасида олганида Сурхондарё вилояти МХХ бошқармаси ва прокуратураси ходимлари томонидан ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

«Тадбиркорбанк»нинг Жиззах вилояти бошқармаси Учтепа бўлими бошқарувчиси Ф.Исроилов фуқаро У.Бозоровдан 5 миллион кредит бериш эвазига 1 миллион сўм пулни пора тариқасида олганида вилоят МХХ бошқармаси ва прокуратураси ходимлари томонидан ушланиб, суднинг ҳукми билан 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Андижон вилояти Олтинкўл тумани Давлат солиқ инспекцияси инспектори З.Хоринов солиқ тўлашдан озод қилиш эвазига тадбиркор Р.Эргашевдан 100 АҚШ долларини пора тариқасида олганида Андижон вилояти прокуратураси ва ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ушланиб, суднинг ҳукми билан 7 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Бу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот маркази.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# МИЛЛАТНИНГ ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ

## истиқболга хизмат қилади

тезкор жорий қилиш имконияти йўқлиги, холис экспертиза мавжуд бўлмаганлиги сир эмас.

Барча соҳаларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти талабларини, эҳтиёжларини қондириш амалга оширилаяпти, демак, ижтимоий-гуманитар фанларда ҳам ана шу тамойилга ўтишимиз керак. Истеъмолчи соҳа билан фан ҳам «талаб ва таклиф», «муаммо ва ечим» муносабатлари асосида бирга, ҳамкорликда ривожланиши тақозо қилинади. Бу эса «абадий», замон талабларига мослаштирилиб, шаклу шамойили ўзгартирилган илмий мавзулар, эскича қараш, ёндашувларга қатъий тўсиқ қўйишни тақозо қилади.

Режалаштирилган фан ижодийликдан жудо бўлади. Муқобиллик, холис экспертиза бўлмаган жойда илмий рақобат шахслараро рақобатга айланиб кетади. Псевдодолзарблик кўкаради. Бунинг оқибатида эса миллатнинг илмий салоҳияти кучсизлашиб, бошқа мамлакатларга илмий, технологик қарамликка тушиб қолиш хавфи пайдо бўлиши мумкин.

**— Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар лойиҳалари танловида асосий эътибор нималарга қаратилди ва қайси йўналишларга устуворлик берилди?**

— Аввало ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўзига хос хусусиятини содда қилиб айтадиган бўлсак, уларнинг умумий объекти — инсон, жамиятнинг онги, қалби, тафаккури. Қиёслаймиз: аниқ фанлар инсоният, жамиятнинг турмушини қулайлаштириб, оғирини енгиллаштириб, тўйдириб, кийинтириб даволаса, ижтимоий-гуманитар фанлар инсон, жамиятнинг миясини «тўйдиради», онгини «даволайди». Демак, олимларимизнинг интеллектуал салоҳияти Олий Мажлис IX сессиясида Президентимиз томонидан асосланган еттинчи устувор йўналишга мос равишда тараққиётимизнинг инсон омилини кучайтириш, фаоллаштириши керак. Ўзингизга маълум, фаол, ижодкор миллат жасур, тадбиркор бўлади, бой-бадавлат бўлади. Шу сабабли устувор йўналишлар миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб белгиланиб, бу тамойил лойиҳаларга нисбатан ҳам изчил қўлланилди.

Шакли — замонавий, мазмуни — эскирган қарашларга қурилган лойиҳаларга тўсиқ қўйилди. Чунки бундай ёндашувлар миллий тараққиётимизга салбий таъсир қилади. Бунинг устига ижтимоий-гуманитар фанларнинг улкан имкониятлари ҳақида: «Ижтимоий фанлар — мавҳум фанлар-да», деган нотўғри қарашни пайдо қилади. Шу сабабли ижтимоий-гуманитар фанларда илгари учраган: тавтология, мақсад ва натижаларни жорийлаштириш механизмидаги номутаносиблик, мавҳумлик, «натижа учун эмас, жараён учун ишлаш» каби ҳолатларнинг олдини олишга **алоҳида эътибор қаратилди.**

Илм, фанга таяниш ҳар бир ишни етти марта ўлчаб бир кесиш, бехато ишлаш ва яшаш, бошқалар йўл қўйган хатоларни четлаб ўтиш, мақсад, натижага етти марта тезроқ етиб боришни таъминлайди. Объект, яъни миллат менталитети хусусиятларига ижтимоий-гуманитар фанлар томонидан адекват метод, ёндашувларнинг топиб, таклиф этилиши фаннинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатини янада оптималлаштиришга реал ҳисса бўлиб қўшилади.

Жамиятни миллий, тарихий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий янгилаш, аҳолининг ахлоқи, маданиятини юксалтириш, ёшлар тарбиясини ҳам шу асосга қуриш йўллари ҳақида илмий ва илмий-оммабоп асарлар чоп этилади. Янги ижтимоий, педагогик технологияларга асосланган илмий-техник йўналишлар ишлаб чиқилиб, барча соҳаларга жорий қилинади ва илмда лойиҳаланган натижа ҳаётда ўзини кўрсатади. Мисол тариқасида «Жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда маҳалланинг ўрни (тарихий-фалсафий таҳлил) ёки «Мудофаа вазирлиги тизимидаги хизматчиларда тарихга қизиқиш уйғотиш ва уларда ҳарбий ватанпарварликни камол топтириш масалаларини тадқиқ этиш» деб номланган лойиҳаларни олайлик. Иккаласида ҳам гапни олиб қочиш, «назарий» мавҳумлик йўқ. Масала, вазифа аниқ. Бирида — маҳалланинг тарихий ютуқларини модернизациялаштириб, тиклаш, қўллаш; иккинчисида халқимизнинг аниқ, ўз хусусиятларига эга бир қисми — ҳарбий хизматчиларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш таклиф қилинмоқда.

Президентимиз Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли Қароридан келиб чиқиб, устуворлик жамиятни, ёш авлод тарбиясини тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий ва ахлоқий янгилаш муаммоларига берилди. Бу устуворлик фундаментал, амалий ва инновацион йўналишларга ҳам сингдирилди.

**— Домла, лойиҳаларда миллий истиқлол ғояси асосий тушунча ва тамойиллари моҳиятини илмий ўрганиш ва тарғиб қилиш масалаларини ҳал этишда қандай янги хусусиятлар кўзга ташланади?**

— Бу «Жамиятни эркинлаштириш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини тадқиқ этиш» дастуридаги лойиҳалар мазмуни, ёндашувлари ва мавзуларида яққол намоён бўлди. Масалан, миллий истиқлол ғоясининг жамиятни бирлаштириш, сафарбар қилиш имкониятларини оширишга хизмат қилувчи синергетик, социологик, технологик, Public relations, компьютер технологиялари, менталитетга оид талқинлар, миллий истиқлол ғоясининг миллатлараро тотувликни, Комил инсонни, умуммиллий ватанпарварликни шакллантиришни, бошқарув кадрларини тайёрлаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, ижтимоий тафаккур услубини ўзгартириш ракурсларида тадқиқ қилиниши, халқимизнинг таълим тизимидан ташқаридаги қисми билан ишлаётган давлат, нодавлат ташкилотлари фаолиятини илмий асосда такомиллаштиришга **алоҳида эътибор қаратилди.** Масалан, Мудофаа вазирлиги тизими, маданий-маърифий муассасалари, дўстлик жамиятларининг миллий истиқлол ғоясини тарғиб-ташвиқ қилишдаги қўшимча имкониятларини очиб бериш илмий тадқиқотларнинг махсус объектларига айланди. Шунингдек, ўзбек давлатчилиги тарихига бағишланган давлат илмий техник дастурларида Ўзбекистонда ҳарбий иш тарихи, давлатчилик тарихининг янги қирралари, динлар тарихи, қорақалпоқ халқи тарихи ва бошқа 60 дан ортиқ мавзулар бор.

**— Молиялаштирилган грантларнинг натижаларига эътибор қаратилдими?**

— Албатта. Ҳар бир онгли ишдан мақсад — натижада.

Ижтимоий гуманитар фанлар натижалари аксар ҳолларда моддий бўлмайди. Маънавий, яъни билим, назария, услубий тавсиялар, ғоялар бўлади. Улар рисола, монографияларда шартли моддийлашади. Бу ҳар бир лойиҳанинг маънавий ва моддий натижаларининг салмоғини баҳолаш мезонларида алоҳида назарда тутилди. Масалан, кўп лойиҳалар йирик-йирик китоблар чиқиши билан тугайди. Бу китоблар номларини бир-бир санасак, бугунги куннинг энг муҳим ижтимоий-маънавий эҳтиёжлари ва уларнинг ечимларини кўрамиз. Масалан, «Ўзбекистон тарихи», «Турон цивилизацияси тарихи», фиқҳга бағишланган рисолалар, «Адабиёт назарияси», «Ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғати», «Мустақиллик даври ўзбек адабиётида замонавий қаҳрамон образини яратиш тамойиллари», «Қорақалпоқ адабиётшунослик илми тараққиёти», «Фуқаролик жамиятига ўтишнинг маънавий-маърифий негизлари», «Таълим тизимида оммавий спорт ва соғломлаштириш ишларини бошқариш» ҳамда турли йўналишларда электрон мультимедиа ўқув қўлланмалари ва бошқа ўнлаб лойиҳаларни келтириш мумкин. Улар ижтимоий соҳанинг у ёки бу жабҳасидаги муаммонинг аниқ илмий ечимини тавсия қилувчи рисола, дарслик, мультимедиа қўлланмалари, монографиялар шаклида ўз истеъмолчиларининг қўлларига етиб боради.

**— Айтингчи, танловларни ташкил қилиш қандай кечди?**

— Ниҳоятда катта ҳажмдаги ташкилий ишлар олиб борилди. Дастлаб «Илмий-техник тараққиётнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатларга мўлжалланган устувор йўналишлари»ни ишлаб чиқиш юзасидан меъёрий ҳужжатлар чоп қилиб тарқатилди. Унда янги тизим ўз ишини қандай қоидалар асосига қуриши, фундаментал, амалий, инновация лойиҳаларига қўйиладиган талаблар, лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш тартиб-қоидалари тушунтирилди.

Алоҳида кўрсатиш керакки, лойиҳани ким ёки қайси институт ёзганлигидан қатъи назар, унинг мамлакатимизда ижтимоий соҳани ривожлантириш стратегияси ва амалиётига фойдалилиги тамойилидан келиб чиқиб баҳолаш асосий мезонлардан бири сифатида белгиланди. Аниқроғи, лойиҳаларни баҳолашда уларнинг анонимлигини таъминлаш орқали лойиҳалар ва уларнинг муаллифлари тенг қилиб қўйилди. Кўриниб турганидек, бу танлов, экспертизанинг адолатли бўлишига ёрдам берди.

Марказий газеталаримизда танловлар бошланганлиги эълон қилинди. Олиб борилган тарғибот ишлари яхши самара берди. Танловга ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича 601 та лойиҳа келиб тушди. Уларнинг 201 таси — фундаментал, 251 таси — амалий ва 149 таси инновация йўналишида эди.

Жами тушган 601та лойиҳадан 347 таси, яъни жами лойиҳаларнинг 57,7 фоизи грант соҳиби бўлди.

**— Бунча лойиҳани экспертизадан ўтказиш ҳам осон бўлмагандир?**

— «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонга асосан бу иш билан Экспертиза кенгаши шуғулланди. Бунда экспертизани одил ташкил қилишнинг меъёрий ҳужжатлари олдиндан пухта тайёрлаб қўйилгани иш берди. Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича экспертиза кенгашлари, уларнинг аъзолари белгиланиб, Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан тасдиқлаб қўйилди. Лойиҳалар экспертизаси икки босқичда амалга оширилди. Лойиҳалар кодлаштирилиб, уларнинг анонимлиги таъминланди. Биринчи босқичда лойиҳаларнинг ҳар биттасига бири-биридан бехабар бўлган 3 та эксперт-олимнинг хулосаси олинди.

Иккинчи босқичда баҳоланган лойиҳалар эксперт кенгашларида муҳокама қилинди. Ҳар бир лойиҳага берилган баллнинг холислиги, етарли даражада асосланганлиги текшириб борилди.

**— Айни кунларда қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Илмий-тадқиқот фаолиятини грантлар асосида молиялаштириш тизимига ўтишнинг биринчи, энг қийин, яъни илмий-ташкилий қисми бажарилди. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш томонидан «Давлат илмий-техник дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш» ва «Илмий-техник лойиҳа ва дастурларни экспертизадан ўтказиш» бўйича Низомлар тасдиқланган. Энди шўъбамиз ана шу низомларда кўрсатилган тартибда грантлар қандай бажарилаётганлигининг мониторингини олиб боради. Зарурат бўлганда уларга тузатишлар, ўзгартиришлар киритади.

Агарда лойиҳада режалаштирилган вазифалар бажарилмаётган бўлса, бундай лойиҳаларни молиялаштириш тўхтатилади. Чунки Фармон матнида илмий салоҳиятни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, ижтимоий ислоҳотларнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ ҳолда мамлакат илмий-техникавий тараққиётини таъминлаш, олиб борилаётган илмий-тадқиқотлар ва технологик ишланмалар савияси, сифати ва самарадорлигини ошириш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш мақсади алоҳида белгилаб қўйилган. Бу эса лойиҳаларнинг ижро сифатини, яъни ижтимоий-гуманитар фанларнинг миллий тараққиётимизга ҳиссасини янада оширади.

---

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

# «Хобас-ТАПО» жаҳонга чиқмоқчи

«Хобас-ТАПО» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси иш бошлаганига атиги икки йил тўлди. Шу қисқа вақт ичида унинг маҳсулотларига талаб ортди. Бунинг боиси шуки, корхонада тайёрланаётган нометалл қувурлардан ичимлик ва оқова сувларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан бирга, улардан нефть маҳсулотларини ҳам исталган манзилга юборишда фойдаланиш мумкин. Муҳими, қувурлар сифат жиҳатидан жаҳон андозаси талабларига тўла жавоб беради. Яъни зангламайди, демак, чиримайди. Ҳатто 35 атмосфера босимда 100 даража иссиқликкача бемалол чидайди, қаҳратон қишда ҳам ёрилиб кетмайди. Ундан юборилаётган суюқлик музламайди. Асосий жиҳатларидан яна бири — уни 75-100 йил мобайнида ишлатса бўлади.

«Хобас-ТАПО» маҳсулотларига хорижда талаб катталигини инобатга олиб, маъмурият халқаро сертификатга эга бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу ишга кўмаклашиш мақсадида мана, бир йилдирки, «RWTUV» Германия — Эрон қўшма компанияси ва «Сифат-консалтинг» масъулияти чекланган жамияти бу ерда стандартлаштиришга оид аудит хизматини олиб бораяпти.

Гап шундаки, «RWTUV» — халқаро стандартлаштириш борасида дунёда етакчи компаниялардан бири. 130 йиллик тарихга эга бўлган бу компания бугунги кунда жаҳоннинг 22 давлатида фаолият кўрсатмоқда. «Хобас-ТАПО» унинг Марказий Осиёдаги биринчи шеригидир.

— «Хобас-ТАПО»даги стандартлаштириш ишлари ҳақида гапирганда, — дейди «RWTUV» қўшма компаниясининг жамоатчилик билан алоқа ишлари бўйича директори Шервин Мирзадех, — унинг маҳсулоти ўзининг пишиқлиги билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ўз навбатида корхона яқин орада халқаро стандартлаштириш сифатли бошқарув тизими сертификатини олишига кафолатдир.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилишидаги маърузасида таъкидлаганидек, «тараққиётимизнинг ҳамда аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омили — бу кадрларнинг умумий малакасини ошириш масаласидир. Корхонада бунга жиддий эътибор қаратилмоқда. Масалан, яқинда бир гуруҳ мутахассислар Германияда ўз малакаларини ошириб қайтишди. Келгусида «RWTUV» наинки корхона мутахассисларини, балки ўзбекистонлик кўпгина ёшларнинг ҳам билимини ва тажрибасини ошириш мақсадида ўз ўқувларини ташкил этишни режалаштирган.

**Муфтилло ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# АЁЛЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида 8 март — Хотин-қизлар кунига бағишланган театрлашган шоу-концерт бўлиб ўтди. У Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг "Тошкентнаво" бўлими ва бошқа бир қанча ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Бош вазир ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова, Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ва бошқалар мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланганини таъкидлашди. Юртимизда аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини муҳофазалаш борасида қабул қилинаётган кўплаб давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари ҳаётга изчил татбиқ этилиб, бугунги кунда ўз самарасини бераётир. Президентимиз ташаббуси билан эълон қилинган Обод маҳалла йилида эса бу хайрли юмушларнинг кўлами янада кенгаймоқда. Негаки, маҳалланинг янада файзли бўлишида аёлларнинг ўзига хос ўрни бор.

Байрам дастурида таниқли санъаткор ва ижрочи ёшларнинг катта концерти намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

«Ташаббус-2003»

# Ишбилармонликка, тадбиркорликка — рағбат

Қарши шаҳридаги Муллатўйчи Тошмуҳамедов номли мусиқали драма театрида «Ташаббус-2003» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда воҳадаги энг яхши ишбилармонлар, тадбиркорлар, ҳунармандлар, фермерлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этдилар. Ғолиблар аниқланди, совринлар берилди. «Энг яхши тадбиркор аёл», «Энг кўп маҳсулот экспорт қилган тадбиркор», «Энг ёш тадбиркор» алоҳида тилга олинди. Шунингдек, «Энг самарали лойиҳа учун», «Энг замонавий технология учун» махсус совринлари ҳам ажратилганди. «Энг яхши ҳунарманд», «Энг яхши фермер», «Энг яхши тадбиркор», деб эътироф этилган кўрик-танлов ғолибларига ҳавас, ўшалардай бўлишга ният пайдо бўлади. Бу табиий.

Кўрик танловнинг очилиш маросимида қатнашиб, кўргазмага қўйилган маҳсулотлар ва халқ амалий санъати намуналарини кўздан кечирган вилоят ҳокими Н.Зайниев ўз сўзида буни алоҳида қайд этди. Бири бирига шогирд, бири бирига устоз бўлиб, қўлни қўлга бериб, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш лозимлиги таъкидланди.

**Н.РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

# СОЛИҚЧИ ТАРҒИБОТЧИЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг савдо фаолиятини такомиллаштиришга доир қарорларини амалга ошириш осон кечмаяпти. Шу боис Гулистон шаҳар давлат солиқ инспекцияси ушбу ҳужжатлар талабларини барчага етказиш учун тарғибот-ташвиқот гуруҳлари тузди. Гуруҳлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ҳар бир шахсга ана шу қарорлар талабларидан келиб чиқадиган вазифаларни тушунтиради.

Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини ноқонуний олиб боришга уринаётган шахслар аниқланиб, уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилмоқда. Солиқчилар бозорда тартиб ўрнатиш ишларига ички ишлар, стандартлаштириш, санитария идоралари ходимларини ҳам жалб этишмоқда.

**Алиқул ХОНИМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

---

Ажаб савдолар

# Тузланган шакар

Баҳодир деган танишимнинг Ангор тумани бозорида ўзи харид қилмоқчи бўлган шакарни ялаб кўрганидан ажабландим.

— Шакарни дигустация қилаяпсизми? — деб сўрадим ундан.

— Шакардан оғзимиз куйган, — деди Баҳодир кулиб. — Бир гал шу бозордан сотиб олган шакаримиз ... тузланган чиқиб қолди. Сотувчи тушмагур, шакарга туз аралаштириб юборган экан-а.

— Ғалат...

— Ғалат-палати йўқ. Ўша шаввозни бизам айблаб ўтирмадик. Керакли идорага хабарини етказувдик, акалари боплабгина тузлаб қўйишди. Оқибатими? Мана, ўқинг, газетада чиққан.

Баҳодир қўлимга узатган «Адолат тарозиси» газетасига кўз югуртираман. Тўраев Бахтиёр — Қизириқ туманидаги «Янгиобод» маҳалласининг дўкончиси. 70 килограмм шакарга 70 килограмм туз аралаштириб, Ангорнинг бозорида сотган. Ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-модда 2-қисмининг «б» ва «в» бандлари бўйича айбдор деб топилиб, 473,4 минг сўмлик жаримага тортилган.

Шакарни тузлаган фирибгарнинг шу тарзда «тузланиши» эса ҳамма қатори Баҳодирбойга ҳам маъқул тушибди. Яхши-да.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

---

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида республикамиздаги акциз солиғига тортиладиган ва алоҳида ижтимоий аҳамиятга молик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарга бириктирилган молия инспекторлари фаолиятининг ўтган йил якунлари сарҳисоби ва жорий йилда улар олдидаги долзарб вазифаларга бағишланган кенгайтирилган семинар-йиғилиши бўлиб ўтди.*

# Устувор вазифалар белгилаб олинди

Семинар-йиғилишда молия вазири М.Нурмуратов, Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Э.Галоевлар сўзга чиқиб, 2002 йилда молия инспекторлари фаолиятида эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар шу жумладан, ёнилғи-мойлаш материалларини истеъмолчиларга етказиб беришда, алкоголли ва дон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан бюджетга тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказиши устидан етарли даражада назорат ўрнатилмаганлиги ҳамда бу борада солиқ органлари билан ҳамкорликда иш олиб борилиши зарурлиги тўғрисида гапирдилар.

Муҳокама қилинган масала бўйича "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзнефтмаҳсулот" акционерлик компанияси ва "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси раҳбарлари сўзга чиқишди.

---

# Қаҳрамон ҳақида фильм

Миллий матбуот марказида "Ҳақиқатга садоқат" хужжатли фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильм "Ўзбектелефильм" ижодкорлари томонидан яратилди.

Фильмда қаҳрамонимизнинг адабиёт оламида тутган ўрни, қарашлари, танқидий ва публицистик асарлари ҳақида ҳам сўз боради. Шунингдек, фильмда О. Шарафиддиновнинг Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат сингари халқ қаҳрамонларининг шаънини оқлаб чиқишдаги жонбозликлари бадиий жиҳатдан маҳорат билан талқин этилган.

Қаҳрамоннинг ҳаётий фикрлари асосида яратилган ушбу фильмга Саидботир Аҳмадхўжаев режиссёрлик қилган.

**Камола МИРЗААҲМЕТОВА,**
**ЎзМУ талабаси.**

---




*Жалолқудуқ туманидаги "Ғалаба" маҳалла фуқаролар йиғинида Кароматхон Холбердиевани каттаю кичик яхши билади. Сабаби — Кароматхон фуқаролар йиғинидаги тарғиботчилар гуруҳига раҳбар. У бошлиқ жамоа қонунлар, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳияти борасида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб боради.*

*— Жорий йил Президентимиз томонидан Обод маҳалла йили деб эълон қилинди, — дейди Кароматхон. — Бу борада Давлат дастури қабул қилинди. Буларнинг барчаси ҳақида аҳоли тўла маълумотга эга бўлиши лозим. Дастурни амалга оширишда халқ академияси деб тан олинган маҳалланинг ўз ўрни бўлиши керак.*

**СУРАТДА: тарғиботчилар гуруҳи раҳбари Кароматхон Ҳолбердиева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

---

# ГЎДАКНИНГ РИЗҚИ

## уни ўғирлаганнинг охирати куяди, турмушидан барака қочади

Муродилжон Мирзаевнинг фарзандлари болалар боғчаларида тарбия топганми-топмаганми бизга қоронғу. Лекин ҳар қалай қирқни қоралаб қолган бу йигит Куванинг Султонобод қишлоғида икки нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказаётганини кўпчилик билади. Ҳар қандай ота-она нури дийдаларини биринчи навбатда пешона тери эвазига топган ҳалол пулига боқишни, кийинтиришни фарз деб билади. Фарзандлар оши-нонига ҳаром аралашиб қолмаслиги учун тиши-тирноғигача курашади.

Афсуски Муродилжон азал-азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган шу оддий ҳақиқатни унутиб қўйди. Ўзи омбор мудири бўлиб ишлаётган 26-болалар боғчасидан аввал хуфёна қилиб тўртта тухум, сўнгра бир шапалоқ гўшт кўтариб келди. Кейинчалик бу ташмачилик одатий ҳолга айланиб қолди. Уйдагилар эса бу "нозу неъматлар" қаердан келаётганини ҳам сўраб-суриштирмай луқмаи ҳаромни истеъмол қила беришди. Енг учида билиб билинмай бошланган мисқолдай ўғирлик кейинчалик боғча омборини ўпириб кетди.

Тафтишчилар курмакни курмакка, гуручни гуручга ажратиб беришгандагина ўғри йигитнинг кўзи мошдай очилди. Омбордаги гўдакларнинг рисқи насибаси бўлган 16 турдаги 637 минг 771 сўмлик озиқ-овқатларни талон-торож қилиб, шахсий эҳтиёжи учун ишлатиб юборганлигини тан олишдан бошқа чораси қолмади.

Яна танқис, баҳоси юқори озиқ-овқатлар кўпроқ ўмарилган: 43 килограмм гўшт, 89 килограмм сариёғ, 751 дона тухум, 49 килограмм шакар, 285 килограмм картошка мўлтираб турган гўдакларнинг дастурхонига эмас, Муродилжоннинг кундан кунга ҳакалак отиб борган жиғилдонига тушиб ҳазм бўлди.

Кувасой туман халқ таълими бўлими ғазначиси Рўзахон Дўстматованинг

Фельетон ўрнида

хуфёна қилмиши эса Муродилжонникидан ҳам ошиб тушди. У омбордан у-бу нарсани ўғирлаб ўтирмади. "Гулдаста" болалар боғчасида тарбияланувчиларнинг ота-оналари озиқ-овқат учун тўлаган пулларини шундоққина ўзлаштириб қўя қолди.

Бунинг учун ҳам ортиқча бош қотирилгани йўқ. Биттагина "ноль" ҳамма масалани ҳал қилди. Ғазначи Рўзахон 60.000 сўм бадал тўлови ёзилган ҳужжатдан "билмаган ҳолда" битта "о"ни тушириб қолдирди. Балки хазинага тўланган сумма тўғри деб ўйларсиз. Кошкийди шундай бўлса, "Адашган банда" 54 минг сўмни ажратиб, чегириб қолишни ҳам унутмаганди.

Бу онгли адашиш эса гўдаклар дастурхонида акс-садо берди. Болалар учун озиқ-овқат, бошқа хизматларга тўланадиган маблағ из-сиз йўқолганди-да. Кўза кунда эмас, кунида синади. Сир ошкор бўлгач, ғазначининг бошқа қилмишлари ҳам очилиб қолди. У Кувасой шаҳар халқ таълими бўлими мудираси Рахноби Холматова ҳамда бош ҳисобчи Мақсуджон Усмоновлар билан ўзаро жиноий тил бириктириб, расмий ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан 1 миллион 970 минг 399 сўм бюджет маблағларини ҳам ўзлаштириб юборган экан.

Машойихларнинг айтишича, ўғри агар қилмиши ошкор бўлмаса ўзи оралаган жойни яна кўнгли тусаб қолар экан. Бу жиноий гуруҳ ҳам аввал 1999 йилда 29 нафар ишчи-ходимга 61 минг 894 сўмлик қайтадан сохта тўлов ҳужжатлари расмийлаштириб, бюджет маблағини ўзлаштиради. Хуфёна ишларини ҳеч ким сезмаганлигини ҳис қилишгач, 2000 йилда 142 минг 473 сўм ўмарилди. Алҳазар! Бирор кимса ҳиди тугул, исини ҳам сезмади. Энди нафси ҳакалак отган очопатлар "катта ишларга" қўл уришди. 2001 йил давомида 849 минг 272 сўм, 2002 йилда эса 899 минг 312 сўмлик ишчи ходимларнинг нафақаси, иш ҳақи, меҳнат таътили, мукофот пуллари ўзлаштириб юборилди. Изларни босиш учун ҳақиқий тўловлардагидай такрорий сохта тўлов ҳужжатлари ҳисоботларга тиркаб қўйилди.

Гўдакнинг ризқини ўмарганнинг охирати куйиши муқаддас китобларда бот-бот ёзилган. Юқоридаги воқеадан кўриниб турибдики, норасиданинг насибаси қинғир қўллиларнинг бошқа қилмишларини ҳам фош қилиб ташлар экан. Улар қонун олдида жавоб беришлари аниқ.

**Набижон СОБИР,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



Янгиқўрғон туманидаги Навкент қишлоғида Зокиржон Ҳамидовлар оиласини кўпчилик яхши билади. Бу оила Дали Сатторов номли ширкат хўжалигидан ижарага ер олиб, тўрт жойда иссиқхона қурган, барига лимон кўчатлари эккан эди. Эндиликда улар йилига 2 тоннадан зиёд ҳосил олишга эришмоқда. Бундан хонадон хазинасига барака кирмоқда, дардманд одамлар эса шифо топмоқдалар.

Яқинда Ҳамидовлар оиласи қишлоқ аҳлига ҳиммат кўрсатди: турли касаллик билан ётиб қолган ҳамқишлоқларига лимон ва атиргуллар туҳфа этиб, хаста дилларга баҳорий кайфият улашди.

**СУРАТДА: Зокиржон ака ва унинг турмуш ўртоғи Тиллахон опа лимонзорда.**

**Абдумутал МАТКАРИМОВ олган сурат.**

Сурхондарёда "Энг обод маҳалла" кўрик-танлови ўтказиладиган бўлди. Танлов уч босқичда бўлиб, биринчи босқич Наврўз байрамида, иккинчи босқич Бутунжаҳон атроф-муҳитни ҳимоя қилиш кунида ва сўнгги босқич Мустақиллик байрами куни ўтказилади.

## ТАНЛОВ УЧ БОСҚИЧДА БЎЛИБ ЎТАДИ

Танловнинг шаҳар ва туман босқичи ғолиблари тадбир ташкилотчилари ва ҳомийларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар. Вилоят ғолибларини мукофотлаш учун эса икки миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Шунингдек, барча ғолибларга сармоядор ва тадбиркорлар ҳам ўз совғаларини таъсис этган, дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири.

# Аллергия ва астма — анжуман мавзуси

Воқеа арафасида

*Бронхиал астма ва аллергия хасталикларини даволаса бўладими? Бу савол ва шунга ўхшаш муаммолар бугунги кунда шу соҳа вакилларини ҳам, беморларнинг ўзларини ҳам ўйлантирмоқда. Бугун шаҳримизда иш бошлайдиган Ўзбекистон аллергологларининг IV анжуманида нафас йўлларининг аллергик хасталиклари муаммоларига бағишланган масалалар муҳокама этилиши кўзда тутилмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги Республика илмий-ихтисослашган аллергологик маркази ходими Қутбиддин НИЗОМОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.*

— Бундан беш йил аввал — 1998 йили бўлиб ўтган Ўзбекистон аллергологларининг навбатдаги анжуманида "Катталар ва болаларда бронхиал астма. Даволаш, олдини олиш стратегияси" ва уни Ўзбекистонда амалга ошириш йўллари бўйича дастур қабул қилинганди. Бу сафарги анжуманимизда ушбу дастурнинг бажарилиши, республика миқёсида амалиётда қўлланилиши ҳақида фикр алмашувлар, маърузалар бўлади.

Бугунги кунда дастлаб бизнинг марказда, сўнг вилоятлардаги бўлимларимизда ташкил этилган махсус мактаблар ишлаб турибди. Булар нима учун зарур, дерсиз. Мазкур хасталик билан оғриган беморлар ўз касаллиги ҳақида тўлиқ маълумот, тушунчага эга бўлса, дард хуруж қилганда қайси дорини истеъмол қилишни, қай ҳолатда шифокорга мурожаат этиш лозимлигини билади.

Аллергия ва астма хасталикларини даволашда маҳаллий яллиғланишга қарши зарур даволаш муолажаларидан кенг фойдаланиляпти. Бунда турли аэрозоль-ингаляторларнинг нафи катта бўляпти. Жумладан, АҚШнинг IVAX компанияси томонидан чиқарилаётган Беклазон-Эко, Саламол-Эко сингари дори-дармонлар бу хасталикларни даволашда яхши самара беряпти.

Марказимизда бугунги кунда юқори нафас йўлларини аллергик яллиғланишга олиб келувчи касаллик турларини самарали даволаш бўйича қатор тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Анжуманимизда ҳам астма, аллергик ринит ва унинг бронхиал астмага таъсири, болаларда атопик дерматит, дори ва озиқ-овқатлар натижасида пайдо бўладиган аллергик ҳолатларни аниқлаш, уларни даволашга бағишланган маърузалар бўлади.

Ҳар қандай касаллик сингари аллергик хасталикларни ҳам даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, албатта. Шу боис анжуманимизда нафақат аллергик хасталикларнинг кечиши ва даволаш услублари, балки уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида ҳам фикр алмашувлар, мунозара, суҳбатлар ўтказишни мўлжаллаяпмиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА ёзиб олди.**

# Маҳалла — халқ академияси

"Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари" мавзуидаги доимий республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги машғулоти "Маҳалла — Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг муҳим воситаси" мавзуига бағишланди. Семинарда маҳалла ва унинг жамиятда тутган ўрни, "Обод маҳалла йили" дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга доир услубий кўрсатмалар борасида ҳам фикр алмашинилди. Семинар иштирокчилари маҳалла — халқ академияси эканлиги ҳақида алоҳида тўхталдилар.

**М. ХОЛМАТОВА.**

Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР керакми, марҳамат!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг.

«Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси таркибидаги «Агрихим» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар «Ўздавстандарт» томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келинияпти.

Манзил: Тошкент шаҳри, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй.
Мўлжал: «Шампань виноларн» заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.
Телефонлар: (99871) 169-35-46, 169-49-33, факс: 169-49-44.

## Янгиликлар, воқеалар, далиллар

### Ҳарбий операциялар давом эттирилмоқда

Исроил танклари душанба куни Ғазо секторида жойлашган қочқинлар лагерига киришган. Қуролли тўқнашувлар оқибатида 7 киши ҳалок бўлган, 25 киши эса яраланган. Бу сўнгги бир кеча-кундуздаги иккинчи рейд, деб хабар беради "Лента.ру".



Бу сафар исроиллик аскарлар Бурайж лагеридаги иккита уйни қуршаб олган ва барчага бинолардан чиқиб кетиш ҳақида буйруқ берган. Маълумотларга кўра, уйлардан бири "ХАМАС" етакчисига қарашли бўлган.

### АДЛ саммити

Мисрда Араб давлатлари лигасининг саммити бўлиб ўтди. Унинг якунига кўра, қатнашчилар Ироққа қарши уруш очишни тўлиқ рад этувчи резолюция қабул қилишди. Араб давлатларининг етакчилари Ироқ муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш зарурлигини ва БМТ инспекторларининг мамлакатда олиб бораётган ишларини охиригача етказиш учун етарлича вақт бериш зарурлигини таъкидлашди, деб хабар беради "Би-би-си". Бирлашган Араб Амирликлари вакили жанговор ҳаракатларни бартараф этиш учун Саддам Ҳусайн истеъфога кетсин, деган таклифни киритди.



### Бельгиялик аскарлар Қобулда

112 нафар бельгиялик ҳарбийлар ўтган ҳафтанинг охирида Афғонистонга йўл олишди. Улар хавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро кучлар таркибида Қобул аэропортини қўриқлашади. Унгача ҳам Афғонистон пойтахтида қирққа яқин бельгиялик бор эди. Улар асосий контингент келишига тайёргарлик кўриш учун сафарбар қилинганди, деб хабар беради "РИА"Новости" агентлиги.

### Эстонияда парламент сайловлари

Эстонияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов комиссиясининг хабарига кўра, ушбу сиёсий тадбирда сайловчиларнинг 57,93 фоизи ёки 491623 киши иштирок этди.



Дастлабки маълумотларга қараганда, марказчилар 24,7 фоиз, Халқ иттифоқи—20,4, "Res Publica" партияси — 19,9, ислоҳотчилар — 14,6 фоиз овоз олган.

### Энг бой давлат раҳбарлари

"Forbes" журнали дунёдаги энг бой давлат раҳбарларининг рўйхатини эълон қилди. У саккиз кишидан иборат. Унда Саудия Арабистони қироли Фадҳ бин Абдул Азиз Ал Сауд биринчи ўринни эгаллаган. Унинг шахсий бойлиги 20 миллиард доллар. Иккинчи ўринни Бруней султони Ҳожи Ҳасанал Болкиаҳ 11 миллиард доллар бойлиги билан ишғол қилган. Учинчи ўрин Лихтенштейн шаҳзодаси Ҳанс Адам II га насиб этди. Шунингдек, рўйхатда Саддам Ҳусайн 2 миллиард доллар билан тўртинчи ўринда турибди. Ёсир Арофатнинг бойлиги 300 миллион доллар эканлиги сабабли олтинчи ўринда. Охирги ўринни Куба етакчиси Фидель Кастро 110 миллион долларлик бойлиги билан эгаллаган.

### Аччиқ дорилар бўлмайди

Кўпчилик катталар, айниқса, болалар хуш кўрмайдиган аччиқ дорилар муаммосини ечишда Нью-Йоркдаги "Linguagen" компанияси тадқиқотчилари томонидан яратилган суюқлик ёрдам бериши мумкин. У барча кимёвий моддаларнинг аччиқлигини йўқота олади.



Тадқиқотлар муаллифи Стивен Гравиннинг айтишича, аччиқ қаҳва ҳам ушбу модда аралаштирилгандан сўнг "ширинроқ" бўлади, деб хабар беради "Медновости ру".

UZDUNROBITA first cellular

GSM

ЯНГИ GSM ТАРМОҒИ

ЯНГИ КЕНГЛИКЛАРГА ЧИҚЯПТИ

ХУШ КЕЛИБСИЗ!




ТОШКЕНТ
САМАРҚАНД
УРГУТ
КАТТАҚЎРҒОН
УРГАНЧ
НУКУС
ХИВА
ЧИРЧИҚ

ЧОРБОҒ
ЧИМЁН
БЕЛДЕРСОЙ
БУХОРО
ВОБКЕНТ
ҒИЖДУВОН
ЯНГИЙЎЛ
ОЛМАЛИҚ
АНГРЕН

ЯҚИН ВАҚТДА ▶ ҚАРШИ ШАҲРИСАБЗ ЖИЗЗАХ ТЕРМИЗ

"ПРЕСТИЖ" РЕЖАСИ 99$
ЧЕКЛАНМАГАН ЭФИР ВАҚТИ
+ SMS – БЕПУЛ!

УЗДУНРОБИТА GSMдан GSMга КИРУВЧИ ҚЎНҒИРОҚЛАР БЕПУЛ!

GSM ТАРМОҒИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕЖАЛАРИ
(Тарифлар 20% қўшимча қиймат солиғи билан АҚШ долларида кўрсатилган),
2003 йил 1 февралдан бошлаб амал қилади.

| Хизмат кўрсатиш режалари | Абонент тўлови ($) | Кириш алоқаси баҳоси ($) | Чиқиш алоқаси баҳоси ($) | Кириш алоқаси баҳоси «Уздунробита» уяли алоқа телефонларидан (GSM - GSM) ($) |
|---|---|---|---|---|
| Эксклюзив | 2.0 | 0.08 | 0.10 | Бепул |
| Престиж | 99.00 | Бепул | | |

Илова:
«Уздунробита» ҚК тармоғи бўйича GSM русумида ягона рўйхатга олиш зонаси амал қилади, яъни танланган хизмат кўрсатиш режаси тарифлари GSM тармоғи доирасида кучга эга.

БЕПУЛ УЛАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА!

SMS ҚИСҚА МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

VMS ОВОЗЛИ МАЪЛУМОТ ХИЗМАТИ

Кечаю - кундуз маълумотлар хизмати: 130-09-09, 131-09-09, 103-09-09
"Уздунробита" ҚК телефонларидан - 611.

Тошкентдаги сервис маркази манзили: Усмон Юсупов кўчаси, 16-уй ("Лабзак").

www.uzdunrobita.uz

УзАСИ АА №0000104

